

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АМОНОВА ДИЛНОЗА МУХТАРОВНА**

**ГАЛАКТОМАННАНЛАР АСОСИДА ЎСМАГА ҚАРШИ ФАОЛЛИККА  
ЭГА МАКРОМОЛЕКУЛЯР ТИЗИМЛАР СИНТЕЗИ ВА ТАДҚИҚИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по химическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on chemical sciences**

**Амонова Дилноза Мухтаровна**

Галактоманнанлар асосида ўсмага қарши фаолликка эга макромолекуляр  
тизимлар синтези ва тадқиқи..... 3

**Амонова Дилноза Мухтаровна**

Синтез и исследование макромолекулярных систем на основе галактоманнанов,  
обладающих противоопухолевой активностью..... 21

**Amonova Dilnoza Mukhtarovna**

Synthesis and study of macromolecular systems based on galactomannans with  
antitumor activity..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 43

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**АМОНОВА ДИЛНОЗА МУХТАРОВНА**

**ГАЛАКТОМАННАНЛАР АСОСИДА ЎСМАГА ҚАРШИ ФАОЛЛИККА  
ЭГА МАКРОМОЛЕКУЛЯР ТИЗИМЛАР СИНТЕЗИ ВА ТАДҚИҚИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/K239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Биоорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Тураев Аббасхан Сабирханович кимё фанлари доктори, академик
Расмий оппонентлар:	Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович кимё фанлари доктори, катта илмий ходим Рамазонов Нурмурод Шералиевич кимё фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти


Диссертация химояси Биоорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «05» 21 соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).


Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (234 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улугбек кўч., 83 Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: shsha@mail.ru).

Диссертация автореферати 2020 йил «25» 12 да тарқатилди.  
(2020 йил 25.12 даги 1 рақамли реестр баённомаси)



  
**Ш.И.Салихов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

  
**Ш.А.Шомуротов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби к.ф.д.

  
**М.Б.Гафуров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда хавфли ўсма касаллиги аҳоли орасида кенг тарқалиб бораётган касалликлардан ҳисобланади. Касалликни даволашнинг кўплаб янги усуллари ва воситалари ишлаб чиқиляётган бўлсада, цитотоксик препаратлар билан кимёвий даволаш ушбу касалликни даволашнинг асосий қисми бўлиб қолмоқда. Шунинг учун хавфли ўсма касалликларига қарши курашишда одам организмига ножўя таъсири кам бўлган, юқори самарали таъсирга эга дори воситаларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирда биоорганик кимё, фармацевтик кимё, молекуляр биология, тиббиёт соҳаларининг ривожланиши ўсма касалликларига қарши қўлланилувчи, ножўя таъсири кам бўлган, ўсмага қарши йўналтирилган таъсирга эга ҳамда иммун тизимларини специфик фаоллаштирувчи янги авлод дори воситаларини яратиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда, цитотоксик дори воситаларининг танлаб таъсир этиш хусусиятга эга эмаслиги организмнинг жиддий зарарланишига олиб келмоқда. Ўсмага қарши дори воситаларининг носпецифик фаолликлари натижасида юзага келувчи қайтариб бўлмас ножўя таъсирлари аксарият ҳолларда уларни клиникада қўллашни чекланишига сабаб бўлмоқда. Бу борада амалда қўлланилувчи цитотоксик препаратларни модификациялаш орқали ўсма хужайраларига йўналтирилган (таргет) ва узок муддатли таъсирга эга, кам захарли дори воситаларини яратиш истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. Айрим полисахаридлар, хусусан галактоманнанлар ўсма хужайралари юзасидаги галектин оксиллари билан комплементар таъсирлашувчи лигандлар ҳисобланади. Галактоманнанларни маълум цитотоксик бирикмалар билан модификациялаш ўсмага қарши йўналтирилган цитотоксик фаоллик кўрсатувчи, кам захарли оригинал воситалар олиш имконини беради. Шу сабабли, полисахаридларнинг цитотоксик бирикмалар тутган ҳосилаларини олиш, биологик фаолликларини тадқиқ қилиш ва улар асосида самарали дори воситалари яратиш йўналишларида изланишлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда маҳаллий хом-ашёлар асосида янги, самарали, импорт ўрнини босувчи доривор препаратлар ишлаб чиқишга ва аҳолини сифатли дори-дармонлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 4-йўналишида «фармацевтика sanoатини янада ривожлантириш, аҳоли ва тиббиёт муассасаларини арзон, сифатли дори воситалари билан таъминланишини яхшилаш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган<sup>1</sup>. Бу борада, маҳаллий ўсимлик ва ҳайвон хом-ашёлари биологик фаол моддаларини тадқиқ қилиш, уларнинг тузилиши ва фаоллигини ўрганиш ҳамда улар асосида янги, самарали дори воситаларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил, 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-2640-сонли «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳа бўйича қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Галактозилланган бирикмаларни тадқиқ этиш, уларнинг ўсмага қарши биологик фаолликларини ўрганиш борасида хорижлик олимлар томонидан айрим изланишлар олиб борилган. Жумладан, E.N.Olsufyeva ва унинг ҳамкасблари томонидан доксорубициннинг галактозилланган ҳосилаларининг лейкомия P-388 ўсмаси билан зарарланган сичқонларда доксорубицинга нисбатан кам захарлилиги ва галактоза қолдиғи тутган доксорубицин ҳосилалари таъсирида ҳаёт давомийлигининг ортиши аниқланган. H. Bai ва M.C. Miller томонидан олиб борилган изланишларда галактоманнанларнинг ўзига хос тузилиши ва ўсма хужайраларида юқори экспрессияланувчи лектинлар билан галактоза қолдиғи тутган моно- ва дисахаридларга нисбатан юқори селективлик асосида боғланиши кўрсатилган. E. Zomer томонидан гуар галактоманнани деполимерлаш орқали сувда яхши эрувчан намуналар олинган ва уларнинг молекуляр-структуравий катталиклари ҳамда физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган. A.A. Klyosov, E. Zomer ва D. Platt томонидан кичик молекуляр массали галактоманнанинг 5-фторурацил билан механик аралашмасини ичак ўсмасига қарши фаолликлари ўрганилганда, 5-фторурацил/галактоманнан аралашмаси 5-фторурацилга нисбатан кам захарлилик намоён қилган. Шунингдек, муаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда кичик молекуляр массали галактоманнан 5-фторурацилнинг терапевтик эффектини ошириши аниқланган. A.N. Tevyashova томонидан олиб борилган тадқиқотларда гуар галактоманнани кислотали гидролизлаб олинган галактоманнан намунасининг доксорубицин билан модификацияланган ҳосилалари олинган ва уларнинг ўсмага қарши *in vitro* шароитлардаги фаолликлари ўрганилган.

Мамлакатимизда биологик фаол полисахарид ҳосилалари синтези, уларнинг тузилишини ўрганиш, улар асосида турли касалликларга қарши самарали таъсирга эга бирикмаларни олиш ва уларнинг биологик фаолликларини тадқиқ қилиш бўйича илмий изланишлар Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Полимерлар кимёси ва

физикаси институти, Тошкент кимё технология институтларида, академик Ш.И. Салихов, академик, С.Ш. Рашидова, академик А.С. Тураев, профессор. А.А. Сарымсаков ва профессор Г.Р. Рахманбердиев раҳбарлигида олиб борилмоқда.

Галактоманнанлар асосидаги биологик фаол бирикмаларни тадқиқ қилишга оид сўнгги адабиётларда асосан галактозилланган кичик молекуляр бирикмаларни ўсма хужайраларида юқори экспрессияланувчи оксиллар билан ўзаро таъсирлашувини ўрганиш, уларнинг цитотоксик бирикмалар тутган ҳосилаларини олиш ва ўсмага қарши биологик фаолликларини тадқиқ қилишга қаратилган. Галактоманнанларни модификациялаш орқали уларни ўсма хужайраларидаги галектинларга комплементар бўлган ҳосилалари ва улар асосида ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Биоорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф6-Т097 «Нишон-органлар учун янги доривор воситалар олиш мақсадида модификацияланган полисахаридлар синтези ва уларнинг биологик функциялари» (2012-2016 й.й.) ва ТА-ФА-Ф6-003 «Ракка қарши йўналтирилган таъсирли препаратлар яратиш мақсадида бета-глюканлар, галактоманнанлар ва уларнинг модификацияланган аналогларининг хужайра лектинлари билан комплементар ўзаро таъсирлашувларини ўрганиш» (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** галактоманнанларнинг модификацияланган ҳосилаларини олиш, улар асосида цитотоксик бирикмалар тутган, ўсма хужайраларига йўналтирилган таъсирга эга макромолекуляр тизимлар синтез қилиш ва биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- галактоманнанларни деполимерлаш орқали галактоманнан олигосахаридларини олиш, уларни структуравий катталикларини аниқлаш;
- галактоманнанларни тозил ва диальдегид ҳосилалари орқали таркибида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар олиш;
- галактоманнанлар асосида олинган макромолекуляр тизимларнинг молекуляр структуралари ва молекуляр катталикларни аниқлаш;
- галактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши биологик фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гуар галактоманнани, олигогалактоманнанлар, галактоманнан тозил ҳосилалари, галактоманнан диальдегид ҳосилалари, галактоманнанларнинг цитотоксик бирикмалар билан модификацияланган ҳосилалари, уларнинг ўсмага қарши биологик фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** кичик молекуляр массали галактоманнанлар олиш, галактоманнанларнинг тозил, диальдегид ва цитотоксик бирикмалар

билан модификацияланган ҳосилалари синтези, реакция шароитлари, молекуляр структуралар ва биологик фаолликларни аниқлаш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишида биоорганик кимё усуллари (полисахаридларни деполимерлаш, кимёвий модификациялаш, тозалаш), бирикмаларнинг кимёвий структураларини аниқлаш (УБ-, ИҚ-, ЯМР-спектроскопия, гель хроматография, элемент анализ), ўсмага қарши фаолликни аниқлаш (*in vitro*, *in vivo*) ҳамда фармако-токсикологик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат: галактоманнанларни радикал деполимерлаш реакциясида мақбул реакция шароитлари ва асосий полиманнан занжирининг селектив парчаланиши аниқланган;

галактоманнан олигосахаридларининг тозил ҳосилалари ва улар орқали амин боғлари билан боғланган, таркибида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар олишнинг мақбул реакция шароитлари исботланган;

галактоманнан олигосахаридларининг диальдегид ҳосилалари ва улар орқали азометин боғлари билан боғланган, таркибида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар синтез қилинган ва уларнинг тузулиши физик-кимёвий усуллар ёрдамида исботланган;

галактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши биологик фаолликлари, фармако-токсикологик хусусиятлари, структура-фаоллик ўзаро боғлиқликлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

таркибида галактоза ва манноза қолдиқлари нисбатини сақлаган холда олигогалактоманнанлар олиш имконини берувчи мис (II) ионлари иштирокида радикал деполимерлаш усули ишлаб чиқилган;

галактоманнан олигосахаридларини сувли муҳитда гомоген тозиллаш, тозилланган олигогалактоманнанлар асосида цитотоксик бирикмалар тутган ҳосилалар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

галактоманнан олигосахаридларини перйодат оксидлаш, олинган диальдегид галактоманнанлар орқали цитотоксик бирикмалар тутган ҳосилалар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

галактоманнанлар асосида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар олинган, уларнинг кам захарлилик ва юқори биологик фаоллик намоён қилиши ҳамда ўсмага қарши дори воситалари яратилишида потенциал объектлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган макромолекуляр тизимларни тадқиқ қилишда замонавий физик-кимёвий ва биологик тадқиқот усулларида фойдаланилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилганлиги, тажрибалар натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тан олинган маҳаллий ва халқаро илмий журналларида чоп этилганлиги билан асосланди.



**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти галактоманнан олигосахаридларини олиш учун радикал деполимерлаш реакцияси таклиф қилинганлиги, тозил ҳосилалар олиш учун галактоманнан олигосахаридларининг сувли муҳитда тозиллаш усули ишлаб чиқилганлиги, тозил ҳосилалар орқали таркибида цитотоксик бирикмалар полисахарид занжири билан амин боғлари орқали боғланган макромолекуляр тизимлар олиш усули таклиф қилинганлиги, олигогалактоманнан диальдегид ҳосилалари олиш ва улар орқали таркибида цитотоксик бирикмалар полисахарид занжири билан азометин боғлари орқали боғланган макромолекуляр тизимлар олинганлиги, олинган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши биологик фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф қилинган усуллар галактоманнан олигосахаридлари ва улар асосидаги макромолекуляр тизимлар олиш имконини беради. Таклиф қилинган усуллар ҳамда аниқланган биологик фаолликлардан полисахаридлар асосида ўсмага қарши янги дори воситалари яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижалари галактоманнанлар асосидаги таркибида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимлар асосида ўсмага қарши самарали дори воситалар олишга хизмат килади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Галактоманнанлар асосида ўсмага қарши фаолликка эга макромолекуляр тизимлар синтези бўйича олинган илмий натижалар асосида:

галактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг олиниш усуллари ва олинган намуналардан Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институти «International Science and Technology Center Projects» лойиҳасида турли ўсмаларга қарши фаолликларни аниқлашда фойдаланилган (Хитой Фанлар академияси, Шинжон физика ва кимё-техника институти маълумотномаси). Натижада, полисахаридлар ҳосилаларининг ўсмага қарши фаоллик механизмларини аниқлаш имконини берган;

синтез қилиб олинган галактоманнанлар асосидаги ўсмага қарши макромолекуляр тизимлардан A11-T019 рақамли «Изофлавононлар билан бойитилган соя оксилени олиш технологиясини яратиш» лойиҳасида «Биокор» препаратининг *in vivo* ва *in vitro* шароитда биологик фаоллигини аниқлашда назорат препарати сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 2 декабрдаги 4/1255-2709-сон маълумотномаси). Натижада, «Биокор» препаратининг биологик фаоллигини бошқа препаратлар билан таққослаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий

илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш асослари келтирилган, нашр қилинган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Галактоманнанларнинг тузилиши, хоссалари, ва улар асосида ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олиш бўйича замонавий тадқиқотлар»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси батафсил таҳлил қилинган, галактоманнанлар, уларнинг табиий манбалари ва тузилиши, физик-кимёвий хоссалари, галактоманнан ҳосилалари ва уларнинг синтез усуллари, ўсма касаллиги ва унга қарши қўлланилувчи цитотоксик препаратлар, галактоманнанларнинг хужайра лектинлари билан ўзаро таъсирлашуви ва улар асосидаги макромолекуляр тизимлар бўйича сўнгги йиллардаги тадқиқот натижалари келтирилган.

Диссертациянинг **«Галактоманнанлар асосида макромолекуляр тизимлар синтези, уларни физик-кимёвий ва биологик тадқиқ қилиш усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотларни олиб бориш босқичлари, уларнинг бажарилишида фойдаланилган материаллар ва усуллар, хусусан, галактоманнан олигосахаридларини олиниши, галактоманнанларнинг тозил ва диальдегид ҳосилалари орқали ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар синтези, галактоманнан ҳосилаларининг молекуляр катталиклари ва структураларини таҳлил қилиш, биологик фаолликларини аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Галактоманнанлар асосида макромолекуляр тизимлар синтези ва уларнинг физик-кимёвий хоссалари»** деб номланган учинчи бобида галактоманнан олигосахаридларини олиниши ва структураларини тадқиқ қилиш, галактоманнанларнинг тозил ҳосилалари синтези ва уларни структураларини аниқлаш, тозил ҳосилалар орқали ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар синтези ва уларни структураларини ўрганиш, галактоманнан диальдегид ҳосилалари ва улар орқали олинган ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар синтези, уларни структураларини аниқлаш натижалари келтирилган.

Галактоманнанларни кислотали деполимерлаш оркали турли молекуляр катталиктаги ( $M_w=505,1-2,6$  кДа, ПД=1039-5, ПДИ=2,78-1,45,  $Man/Gal=1,89-3,19$ ) намуналар олинди. Натижалар реакцияда деполимерланиш давомийлиги ортиши билан олинган махсулотларнинг ПД қийматлари ва унуми камайиши,  $Man/Gal$  нисбатлари ортиб бориши, деполимерланиш тезлиги дастлабки вақтларда юкори бўлишини кўрсатди. Кислота концентрацияси ортиши билан деполимерланиш махсулотларининг ПД қийматлари ва унуми кескин камайиши, деполимерланиш тезлиги ва  $Man/Gal$  нисбатлари ортиб бориши аниқланди (1-расм). Галактоманнан олигосахаридлари (ПД=58-5,  $M_w=28,1-2,6$  кДа,  $Man/Gal=2,07-3,19$ ) асосан хлорид кислотанинг 0,1-1,0 моль/л концентрацияли эритмалари билан олинди ва кислотали деполимерлашнинг мақбул шароитлари (HCl 0,1 моль/л, 240 минут, 80°C) аниқланди.




1-расм. Гуар галактоманнани хлорид кислота иштирокида деполимерланиш реакцияси давомида ПД қиймати (а) ва деполимерланиш тезлигининг (б) ўзгариши (HCl 0,05-1,0 моль/л, 80°C)

Ушбу усулда молекуляр катталиклари турлича бўлган галактоманнан олигосахаридлари олинган бўлсада,  $Man/Gal$  нисбатлари 1,9-2,0 дан юкори бўлган намуналарнинг сувда шаффоф бўлмаган эритмалар ҳосил қилиши кузатилди. Бу ҳолат галактоманнанларда манноза колдиклари миқдори ортиши билан уларнинг сувли эритмаларда микроагрегатланиши ҳисобига эрувчанлигининг камайиши билан тушунтирилади. Бу эса  $Man/Gal$  нисбатлари 1,9-2,0 дан юкори бўлган галактоманнан олигосахаридларидан олинадиган ўсмага қарши макромолекуляр тизимларни вена оркали қўллаш имкониятини камайтиради ва уларни ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун номақбул эканлигидан далолат беради. Шунинг учун сувда тўлик эрувчан галактоманнан олигосахаридларини олиш учун деполимерланиш реакцияларида имкони борича полисахарид ён занжирининг дегалактозилланиши содир бўлмаслиги талаб этилади.

Галактоманнанларни Cu (II) ионлари иштирокида водород пероксид билан радикал деполимерлаш оркали ПД қийматлари 159-6 бўлган ( $M_w=77,1-2,7$  кДа, ПДИ=2,11-1,05,  $Man/Gal=1,89-1,70$ ) кичик молекуляр массали

галактоманнан ва олигогалактоманнан намуналари олинди. Деполимерланиш давомийлиги ортиши билан дастлабки вақтларда олинган маҳсулотларнинг ПД қийматлари кескин камайиши, деполимерланиш тезлигининг юкори бўлиши аникланди (2-расм). Галактоманнан занжирининг деполимерланишида водород пероксид концентрацияси муҳим ўрин тутиши, бунда қўлланилаётган водород пероксид концентрацияси ортиши билан маҳсулотнинг ПД ва ПДИ қийматлари ҳамда унумининг камайиб бориши аникланди. Ушбу реакцияда кислотали гидролиздан фаркли равишда галактоманнан таркибида галактоза қолдиқлари миқдорининг сақланиши, деполимерланиш жараёнида асосий полиманнан занжири  $\beta$ -(1,4)-гликозид боғларининг селектив парчаланиши кузатилди. Галактоманнанлар асосида ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олиш учун мақбул молекуляр катталиклардаги галактоманнан олигосахаридлари водород пероксиднинг 4,5% ли эритмаси билан 50-60 минут давомида 60°C да олиб борилган реакцияларда юкори унум (50,3-52,6%) билан олиниши аникланди. Реакция давомида галактоманнаннинг ПДИ қиймати деярли монодисперс ҳолатгача камайиши кузатилди. Олинган кичик молекуляр массали галактоманнан намуналари ва галактоманнан олигосахаридларининг барчаси сувда яхши эриган ҳолда, шаффоф эритмалар ҳосил қилди. Галактоманнанларни радикал деполимерлаш реакциясида галактоза қолдиқларини сақлаган ҳолда галактоманнан олигосахаридлари олиш имконини беради ва ушбу биополимерлар асосида ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олишда қўллаш учун мос келади.




2-расм. Гуар галактоманнани водород пероксид билан Cu (II) ионлари иштирокида радикал деполимерлаш реакцияси давомида ПД қиймати (а) ва деполимерланиш тезлигининг (б) ўзгариши (H<sub>2</sub>O<sub>2</sub> 3,0-9,0%, 60°C, Cu(CH<sub>3</sub>COO)<sub>2</sub> 0,32 мг/мл)

Гуар галактоманнани кислотали ва радикал деполимерланиш маҳсулотларининг структуралари ИҚ- ва <sup>13</sup>C ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди. ManC4 углерод атомларига хос сигналларни таҳлил қилиш натижалари радикал деполимерланиш реакцияси ёрдамида олинган

намуналарда галактозилланган манноза колдиклари микдори кислотали деполимерлаш оркали олинган намуналардагига нисбатан кўпроқ бўлишини кўрсатди. Ушбу натижалар радикал деполимерланиш реакциясида полисахарид занжиридаги  $\beta$ -(ManC1-O-ManC4)-глюкозид боғлари селектив парчаланишидан далолат беради.

Олинган галактоманнан олигосахаридларини тозиллаш оркали турли молекуляр катталиқдаги (ПД=13-19,  $M_w$ =6,5-11.0, АД=0,07-1,03, унум 12,1-78,5%) олигогалактоманнан тозил ҳосилалари олинди. Натижалар галактоманнан олигосахаридларини тозиллашда реакция муҳити сифатида сувдан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатди. Реакция давомийлиги ва тозил хлорид (TsCl, *para*-толуолсульфонилхлорид) ортиши билан олинган маҳсулотларнинг АД қийматларининг ортиши, полисахарид занжирининг минимал даражада деполимерланиши, олинган тозил ҳосилаларнинг унуми ортиб бориши кузатилади (3-расм). Натижалар реакциянинг боришида ҳарорат муҳим ўрин тутишини кўрсатди. Ҳарорат ортиши билан олинган маҳсулотларнинг молекуляр катталиқларида сезиларли камайиш кузатилди. Тадқиқотларда олинган олигогалактоманнан тозил ҳосилалари (АД=0,14-1,03) сув, этанол, ДМСО ҳамда ацетонда шаффоф эритмалар ҳосил қилган ҳолда тўлиқ ва осон эриши аниқланди. Тозилланган галактоманнан олигосахаридларининг сув ва кенг камровли органик эритувчиларда эриши улардан оралиқ маҳсулотлар сифатида кейинги модификациялаш реакцияларда фойдаланишда қулайликлар яратади.




**3-расм.** Галактоманнани тозиланиш реакцияси давомида вақт (а) ва тозил хлорид микдорининг ортиши (б) билан маҳсулотнинг АД ва ПД қийматидаги ўзгаришлар ((а)TsCl 1,0 моль/моль ГМБ, 5°C; (б) вақт 24 соат, ҳарорат 5°C)

Тадқиқотлар галактоманнан олигосахаридларини сувли муҳитда тозил хлорид иштирокида тозиллаш реакцияси оркали тозилланган олигогалактоманнан ҳосилаларини олиш мумкинлигини кўрсатди. Тозилловчи реагент ва реакция давомийлигини ўзгартириш билан турли молекуляр катталиқлардаги тозил ҳосилалар олиш, уларнинг молекуляр

катталикларини бошқариш мумкинлиги ва бунда реакцияни паст (0-8°C) ҳароратда 24 соат давомида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.


Галактоманнан тозил ҳосилаларининг структуралари ИҚ- ва <sup>13</sup>C ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди. Спектроскопик таҳлил натижалари галактоманнан тозил ҳосилаларида тозил гуруҳлари полисахарид занжирига ManC2 ва ManC3 углерод атомлари орқали боғланганлигини кўрсатди.

Галактоманнан тозил ҳосилалари орқали ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олиш (4-расм) бўйича олиб борилган тадқиқотларда таркибида 0,35-4,06% GEM, 1,28% FU ва 7,70% DOX тутган намуналар мос равишда 8,63-65,94%, 43,88% ва 62,35% унум билан олинди.



4-расм. Галактоманнан тозил ҳосилаларининг аминогуруҳ тутган цитотоксик бирикмалар билан алмашиниш реакцияси (GEM мисолида)

Тадқиқот натижалари ўрганилган шароитларда полисахарид занжирини деполимерланиш содир бўлмаслигини кўрсатди. Реакция давомийлиги ва ҳарорат ортиши билан олинган маҳсулот таркибида GEM миқдори ва маҳсулот унуми ортиб борди.




5-расм. Галактоманнан тозил ҳосилаларининг цитотоксик бирикмалар билан алмашиниш реакциясида GEM миқдори ортиши билан маҳсулот таркибидаги GEM миқдори ва унумидаги ўзгаришлар (а) ҳамда бир хил шароитда олинган намуналарда цитотоксик бирикмаларнинг миқдорлари (б) ((а) вақт 24 соат, ҳарорат 40°C; (б) GEM/FU/DOX 1,0 моль/моль Ts гуруҳ, 24 соат, ҳарорат 40°C)

Реакция GEM микдори оширилиши билан олинган махсулот таркибидаги GEM микдори ва махсулот унуми ортиши кузатилди. Бирок, натижалар тадқиқ қилинган реакцияда АД қиймати юқори бўлган намуналар олишда GEM микдори асосий омил эмаслигини кўрсатди (5-расм). Тадқиқотларда шунингдек, галактоманнаннинг FU ва DOX тутган ҳосилалари олинди ва натижалар тадқиқ қилинган цитотоксик бирикмаларнинг реакция фаоллиги  $FU < GEM < DOX$  тартибида ортиб боришини кўрсатади (5-расм). Тадқиқотларда ушбу реакцияларни тозил гуруҳга нисбатан 1,0 моль/моль микдорда олинган цитотоксик бирикма билан 24 соат давомида 40°C да олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлишини, олинган галактоманнаннинг цитотоксик бирикмалар тутган ҳосилалари сувда шаффоф эритмалар ҳосил қилган ҳолда тўлиқ эриши аниқланди. Бу эса уларни *in vivo* шароитларда кенг қамровли қўллаш имконини беради.

Галактоманнан тозил ҳосилаларидан олинган, таркибида цитотоксик бирикмалар тутган макромолекуляр тизимларнинг структуралари УБ-, ИҚ- ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди. Натижалар олинган макромолекуляр тизимлар таркибида цитотоксик бирикмалар (FU/GEM/DOX) тутишини ва бунда цитотоксик бирикмалар асосан ManC2 ва ManC3 углерод атомлари билан амин боғлари орқали боғланганлигини кўрсатади.

Олиб борилган тадқиқотларда таркибида 1,02-12,27 моль% альдегид гуруҳи тутган диальдегид ҳосилалар 98,32-55,73% унум билан олинди.  $\text{NaIO}_4$  микдори ортиши билан олинган махсулот таркибида альдегид гуруҳлари микдори ортиши, ПД ва  $M_w$  қийматлари ҳамда унумнинг камайиши аниқланди (6-расм).



6-расм. Галактоманнан олигосахаридини перйодат оксидлаш реакциясида оксидловчининг турли микдорлари таъсирида альдегид гуруҳлари микдори ва ПД қиймати (а) ҳамда махсулот унуми ва  $M_w$  қийматидаги (б) ўзгаришлар (реакция вақти 24 соат, ҳарорат 40°C)


Реакцияларда галактоманнан занжирининг деполимерланиши кузатилган бўлсада, ПД қийматининг кескин камайиши аниқланмади. Натижалар реакция давомийлиги ортиши билан, дастлабки 8 соат давомида полисахарид

занжирининг жадал оксидланиши кейинги вақтларда эса нисбатан кам ўзгаришини кўрсатди. Шунингдек, реакция давомийлиги ортиши билан маҳсулотлар ПД ва Мв қийматлари ҳамда унумининг камайиши аниқланди. Натижалар олинган диальдегид ҳосилалар таркибида альдегид гуруҳи миқдори ортиши билан уларнинг сувда эрувчанлиги камайиб боришини кўрсатди ва бунда полисахарид занжирида альдегид гуруҳлари миқдори 9,98 моль% дан юқори бўлган намуналарнинг сувда қийин эриши маълум бўлди.

Олинган натижалар галактоманнан олигосахаридларини  $\text{NaIO}_4$  нинг 0,3 моль/моль ГМБ миқдори билан 24 соат давомида перйодат оксидлаш мақсадга мувофик бўлишини кўрсатди. Бу эса галактоманнанларда перйодат оксидланиш асосан ManC2 ва ManC3 углерод атомларида содир бўлишидан далолат беради.

Галактоманнан диальдегид ҳосилаларининг структуралари ИҚ- ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди. Спектрлардаги ютилишлар оксидланиш реакцияси натижасида галактоманнан занжирида альдегид гуруҳлари ҳосил бўлганлигини тасдиқлади.  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопик таҳлил натижалари галактоманнанларда перйодат оксидланиш асосан ManC2 ва ManC3 углерод атомларида содир бўлишини кўрсатди.

Галактоманнан диальдегид ҳосилалари оркали ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар олиш (7-расм) бўйича олиб борилган тадқиқотларда таркибида 0,03-2,07% GEM ҳамда 3,31 ва 4,02% DOX тутган намуналар мос равишда 98,32-75,73%, 85,27% ва 83,84% унум билан олинди. Натижалар реакция давомийлиги ортиши билан олинган маҳсулот таркибида GEM миқдори ва конъюгацияланиш самарадорлиги ортиб боришини кўрсатди. Шунингдек, реакция давомийлиги ортиши билан олинган маҳсулотларнинг унуми камайиши, ПД қийматлари кам ўзгариши аниқланди.




7-расм. Галактоманнан диальдегид ҳосилаларининг аминогуруҳ тутган цитотоксик бирикмалар билан реакцияси (GEM мисолида)

Галактоманнан диальдегид ҳосилаларида альдегид гуруҳи миқдори ортиши билан олинган маҳсулотлар таркибида GEM миқдори ортиб борган бўлсада, шу тартибда уларнинг сувда эрувчанлиги камайиб бориши кузатилди (8-расм). Натижалар ушбу реакцияларни цитотоксик бирикманинг 1,0 моль/моль ГМБ миқдори билан 24 соат давомида  $20^\circ\text{C}$  да олиб бориш мақсадга мувофик бўлишини ва галактоманнан диальдегид ҳосилалари оркали ўсмага



қарши макромолекуляр тизимлар олишда DOX нинг реакцион қобилияти GEM га нисбатан ўртача 2,5 марта юкори бўлишини кўрсатди (8-расм).

Олигогалактоманнан диальдегид ҳосилалари орқали олинган, таркибида GEM ва DOX тутган макромолекуляр тизимларнинг структуралари УБ-, ИҚ- ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида ўрганилди. Диальдегид ҳосилалар орқали олинган макромолекуляр тизимларнинг структураларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари олинган намуналарнинг структура жиҳатдан галактоманнанни GEM ва DOX тутган ҳосилаларига мос келишини кўрсатди. Шунингдек,  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектроскопия натижалари цитотоксик бирикмалар полисахарид занжири бўйлаб Man/Gal (асосан Man) C2/C3 углерод атомлари билан азометин боғлари орқали боғланганлигини кўрсатди.




**8-расм.** Галактоманнан диальдегид ҳосилаларининг цитотоксик бирикмалар билан алмашиниш реакциясида альдегид гуруҳи миқдори ортиши билан маҳсулот таркибидаги GEM миқдори ва унумидаги ўзгаришлар (а) ҳамда бир хил шароитларда GEM ва DOX нинг конъюгациялаш самарадорликлари (б) (GEM/DOX 1,0 моль/моль ГМБ, вақт 24 соат, ҳарорат 25°C)


Диссертациянинг «Галактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши биологик фаолликлари» деб номланган тўртинчи бобида галактоманнан асосида олинган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vitro* фаолликлари, *in vivo* фаолликлари ва фармако-токсикологик хусусиятларига оид тадқиқот натижалари келтирилган.

Галактоманнан асосидаги макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vitro* фаолликларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотларда галактоманнан (GM, Mw=563,8 кДа, ПД=1160) ва олигогалактоманнан (OGM-20, Mw=9,1 кДа, ПД=19) намуналари 100 мг/мл концентрацияда ўсма (Hela) хужайраларини мос равишда 13,60 ва 29,50% гача ингибирлаши аниқланди. Ушбу ҳолат олигогалактоманнанларнинг ўсма хужайраларидаги галектинлар билан специфик таъсирлашуви ПД киймати юкори бўлган галактоманнанларга нисбатан юкори эканлигини кўрсатади. Тадқиқотларда шунингдек, диальдегид ҳосилалар орқали олинган макромолекуляр тизимлар (OGM-

GEM3-22/GEM=0,12-1,32%, OGM-DOX1-2/DOX=3,31-4,02) таркибида нисбатан кам миқдорда цитотоксик бирикмалар (GT-GEM-1-12/GEM=0,35-4,06, GT-FU/FU=1,28%, GT-DOX/DOX=7,70%) тутишига қарамасдан тозил хосилалар орқали олинган намуналарга (11,18-41,67%) нисбатан ўсма хужайраларига қарши юқори фаоллик (17,88-91,78) намоён қилиши аниқланди (9,10-расм). Ушбу намуналарнинг ўсмага қарши фаолликларидаги фарқлар уларда полисахарид занжири билан цитотоксик бирикма қолдиғи орасидаги кимёвий боғлинишнинг турличалиги (амин ёки азометин) билан боғлиқ.




9-расм. Галактоманнанлар (а) ҳамда таркибида DOX ва FU тутган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vitro* фаолликлари. Расмда (а) гуар галактоманнан (GM) ва олигогалактоманнан (OGM-20) ҳамда (б) GT-FU, GT-DOX, OGM-DOX1 ва OGM-DOX2 намуналарининг ўсмага қарши фаолликлари келтирилган



10-расм. Галактоманнаннинг тозил (а) ва диальдегид (б) хосилалари орқали олинган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vitro* фаолликлари. Расмда

(а) тозилланган галактоманнандан олинган GT-GEM-1-12 ҳамда (б) диальдегид галактоманнандан олинган OGM-GEM3-22 намуналарининг фаолликлари келтирилган

Галактоманнанлар асосида олинган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vivo* фаолликларини ўрганиш натижалари тадқиқ қилинган намуналар қўлланилганда ҳайвонларнинг ўлими 86,4-90,0% гача камайишини ва галактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг организмга заҳарли таъсири камлигини кўрсатди. Ҳайвонлар массасининг умумий камайиш даражаси цитотоксик бирикмалар таъсирида нисбатан юқори бўлиши кузатилди. Тозилланган галактоманнанлардан олинган GT-GEM-9 ва GT-DOX намуналарининг ўсмага қарши *in vitro* шароитларда кам даражада (мос равишда 28,28 ва 41,67%, 100 мг/мл, Hela) фаоллик кўрсатган ҳолда, *in vivo* шароитларда юқори (мос равишда ҳажм бўйича 70,83 ва 77,30%, 40 мг/кг, 20 мг/кг) даражада фаоллик намоён қилиши аниқланди ва бу олигосахарид занжирининг бевосита ёки фрагментларга парчаланган ҳолда ўсма хужайраларига кириши мумкинлигини кўрсатади (11-расм).



**11-расм. Галактоманнан асосида олинган, таркибида GEM (а) ва DOX (б) тутган макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vivo* фаолликлари.** Расмда (а) GEM, тозилланган галактоманнандан олинган GT-GEM-9, диальдегид галактоманнандан олинган OGM-GEM-22 ҳамда (б) DOX, тозилланган галактоманнандан олинган GT-DOX, ва диальдегид галактоманнандан олинган OGM-DOX2 намуналарининг ўсмага қарши фаолликлари келтирилган

Тозилланган галактоманнанлардан олинган намуналар (GT-GEM-9, GT-DOX) *in vivo* шароитларда юқори фаоллик (ҳажм бўйича 20,83-77,30%) кўрсатган бўлсада, диальдегид ҳосилалардан олинган намуналар (OGM-GEM-22, OGM-DOX2) уларга нисбатан юқорирок фаоллик (ҳажм бўйича 40,10-94,59%) намоён қилди. Бу эса галактоманнан диальдегид ҳосилалари орқали олинган ўсмага қарши макромолекуляр тизимлар тозилланган галактоманнанлардан олинганларига нисбатан истиқболлироқ эканлигини кўрсатади.

Фармако-токсикологик тадқиқот натижалари GT-GEM-9, OGM-GEM-22, GT-DOX ва OGM-DOX-2 намуналари ҳайвонлар қорин бўшлиғига киритилганда, нисбатан зарарсиз бирикмаларнинг VI синфига, доксорубицин (DOX) препарати эса ўртача токсик бирикмаларнинг III синфига киришини кўрсатди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Галактоманнанларни кислотали, радикал деполимерлаш реакциялари тадқиқ қилинди. Илк бор, радикал деполимерлашда кислотали гидролиздан фарқли равишда полиманнан занжири  $\beta$ -(1,4)-гликозид боғларининг селектив парчаланиши аниқланди, ушбу усул галактоза қолдиқлари миқдори юқори даражада сақланган, ўсма хужайраси қобиғидаги галектинлар билан комплементар таъсирлашувчи олигогалактоманнанлар олиш учун тавсия этилди.

2. Олигогалактоманнанларнинг реакция фаол тозил ҳосилаларини олиш усуллари ишлаб чиқилди ва бунда тозил гуруҳлари ManC2/C3 углерод атомлари орқали боғланиши аниқланди. Галактоманнан тозил ҳосилалари орқали таркибида 0,35-4,06% GEM, 1,28% FU ва 7,70% DOX тутган намуналар олинди ва уларнинг реакция фаоллиги  $FU < GEM < DOX$  тартибида ортиб бориши билан изоҳланади.

3. Олигогалактоманнанлар асосида Man C2/C3 углерод атомларида 1,02-12,27 моль% альдегид гуруҳи тутган диальдегид ҳосилалар ва уларнинг асосида таркибида 0,03-2,07% GEM ҳамда 3,31 ва 4,02% DOX тутган бирикмалар олинди. Ушбу реакцияларда DOX нинг реакция қобилияти GEM га нисбатан 2,5 марта юқори бўлиши аниқланди.

4. Илк бор, олигогалактоманнанлар асосидаги макромолекуляр тизимларнинг ўсмага қарши *in vitro* ва *in vivo* фаоллиги аниқланди. Тадқиқотларда азометин боғ билан боғланган макромолекуляр тизимлар таркибида нисбатан кам миқдорда цитотоксик бирикмалар тутишига қарамадан юқори фаоллик (*in vitro* 17,88-91,78%, *in vivo* ҳажм бўйича 40,10-94,59%) намоён қилиши билан изоҳланади.

5. Ўсмага қарши *in vivo* фаолликларда ҳайвонларнинг ўлими DOX ва GEM га нисбатан 86,4-90,0% камайиши, макромолекуляр тизимларнинг LD<sub>50</sub> қийматлари 4500-3550 мг/кг қийматларни ташкил қилиши аниқланди. Тадқиқотлар натижасида цитостатик фаолликка эга бўлган ва таркибида DOX тутган намуналар (GT-DOX, OGM-DOX2) цитостатик бирикмалар сифатида ишлатиш учун тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.К/В.37.01  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ  
БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

---

**ИНСТИТУТ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**АМОНОВА ДИЛНОЗА МУХТАРОВНА**

**СИНТЕЗ И ИССЛЕДОВАНИЕ МАКРОМОЛЕКУЛЯРНЫХ СИСТЕМ  
НА ОСНОВЕ ГАЛАКТОМАННАНОВ, ОБЛАДАЮЩИХ  
ПРОТИВООПУХОЛЕВОЙ АКТИВНОСТЬЮ**

**02.00.10 - Биоорганическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2019.3.PhD/K239.

Диссертация выполнена в Институте биоорганической химии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:	<b>Тураев Аббасхан Сабириханович</b> доктор химических наук, академик
Официальные оппоненты:	<b>Зиявитдинов Жамолитдин Фазлитдинович</b> доктор химических наук, старший научный сотрудник <b>Рамазонов Нурмурод Шералиевич</b> доктор химических наук, профессор
Ведущая организация:	<b>Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт</b>

Защита диссертации состоится « 05 » 01 2021 года в 12<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.K/B.37/01 при Институте биоорганической химии (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института биоорганической химии (зарегистрировано под № 234). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 83. Тел.: 262-35-40, факс: (99871) 262-70-63, e-mail: [shsha@mail.ru](mailto:shsha@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан: « 25 » 12 2020 г.  
(реестр протокола рассылки № « 1 » от 25.12. 2020 г).



*Sh. N. Salikhov*

**Ш.И.Салихов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., академик

*Sh. A. Shomurotov*  
**Ш.А.Шомуротов**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н.

*M. B. Gafurov*  
**М.Б.Гафуров**  
Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире злокачественные новообразования являются одним из самых распространенных заболеваний среди населения. Несмотря на то, что разрабатывается много новых методов и средств лечения заболевания, химиотерапия цитотоксическими препаратами остается основной частью лечения данного заболевания. Поэтому одной из важных задач в борьбе со злокачественными опухолями остается создание высокоэффективных препаратов с минимальными побочными действиями на организм человека. В настоящее время развитие биоорганической химии, фармацевтической химии, молекулярной биологии, медицины позволяет создавать препараты нового поколения, применяемые против различных раковых заболеваний, обладающие направленным противоопухолевым действием, минимальными побочными эффектами, специфической активацией иммунной системы.

В настоящее время отсутствие избирательного действия цитотоксических препаратов приводит к серьезным повреждениям организма. Необратимые побочные эффекты, возникающие в результате неспецифической активности противоопухолевых препаратов, часто приводят к их ограниченному клиническому применению. В связи с этим перспективным направлением считается разработка малотоксичных препаратов с направленным и пролонгированным действием на опухолевые клетки путем модификации применяемых на практике цитотоксических препаратов. Некоторые полисахариды, особенно галактоманнаны, являются лигандами, комплементарно взаимодействующими с белками галектина на поверхности опухолевых клеток. Модификация галактоманнана некоторыми цитотоксическими соединениями позволяет получать низкотоксичные оригинальные средства, обладающие направленной на опухоль цитотоксической активностью. В связи с чем, ведутся исследования по получению производных полисахаридов, содержащих цитотоксические соединения, с целью изучения их биологической активности и разработки эффективных лекарственных препаратов на их основе.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке новых эффективных импортозамещающих препаратов на основе местного сырья и обеспечению населения качественными лекарствами. Конкретные задачи в реализации данной работы предусмотрены в 4-м направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан «Развитие фармацевтической промышленности, улучшение обеспечения населения и медицинских учреждений дешевыми, качественными лекарственными препаратами и медицинскими изделиями»<sup>1</sup>. В связи с этим важным является исследование биологически активных веществ местного растительного и

---

<sup>1</sup>Указ Президента № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017 – 2021 годах».

животного сырья, изучение их структуры и активности, а также создание на их основе новых эффективных препаратов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Указе Президента Республики Узбекистан УП-5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления фармацевтической отраслью», Указе Президента Республики Узбекистан № PQ-2640 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

